

Фуқаролик жамиятини қуришда хотин - қизларнинг роли

ҚДПИ “Умумий тарих” кафедраси мудири с.ф.н Қодиров Р

Мелибоева Дилафруз 1- курс тарих факультети магистранти

Кейинги пайтларда ғарб мамлакатларида хотин-қизлар муаммоларига бағишланган китоблар, мақолалар ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндек кўпайиб бормокда, ҳамда турли ижтимоий изланишлар олиб борилмокда. Бундан руҳланган ғарб хотин-қизлари юзлаб ижтимоий ташкилотларни тузиб, ўз муаммоларини ўзлари ҳал этишга уринмокдалар. Жаҳон ва минтақавий миқёсдаги илмий ва амалий анжуманлар ўтказилиб, шу мавзуда чексиз қарорлар қабул қилмокдалар. Бир қарашда бу уринишлар ўзининг илмий ва амалий махсулини берганга ўхшаб, яъни хотин-қизлар масаласи ҳал бўлиб, муаммолар ўз ечимини топганга ўхшаб кўринади. Лекин статистик маълумотлар хулосасига қараб айтиш мумкинки, хотин-қизлар муаммоси ечимини ҳеч қандай тўсиқ бўлмасида хотин-қизларнинг ўзларигина ҳал этишлари анчайин мураккаб масалага ўхшаб кўринади. Шундай экан, хотин-қизлар муаммосини ҳал этиш кўпчилик мамлакатлардаги сингари давлат ва жамиятнинг умумий иши сифатида қаралиши керак. Бизнинг назаримизда ушбу муаммонинг ечимини топишда Ўзбекистон ва унинг давлат ҳокимияти, шахсан Президент И.А.Каримовнинг хотин-қизлар муаммосини ҳар томонлама ҳал этишда босқичма-босқич ёндашуви, хотин-қизлар муаммосини ҳал этишни давлат сиёсати даражасига кўтариши диққатга сазовор, эътиборга лойиқ ҳаракат деб қараш лозим.

2004 йил 21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Бу мажлисда Президент И.А.Каримов ушбу муаммони ҳал

этиш масалаларига тўхталиб қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди: "Биз ўз олдимизга қўйган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси мана шу ва шунга ўхшаш жараёнларда ўз ифодасини топиши зарур.

Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Албатта, мана шундай интилишларни амалга ошириш мақсадида давлат, давлат тизими ва ҳокимият четда турмасдан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Масалага бундай ёндашув юксак маънавият белгисидир, яъни мамлакатимиз хотин-қизларининг ролига, жамият тараққиётидаги ўрнига юксак эътибор билан қараш билан бирга юксак ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатдир, ҳамда мустақил давлатимизни мустаҳкамлашда аёлларнинг ўрнига, уларнинг куч ва қудратига берилган баҳодир.

Бу бежиз эмас, чунки инсоният тарихидан хотин-қизларнинг жамият тараққиётида, барқарор ривожланишида муҳим ўрни эгаллаганлиги тўғри-сида қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Немис исломшунос олимаси Анисмарис Шиммель хоним ўзининг "Жоним менинг жонимда" номли асарида Ислом дини шаклланиши жараёнида Пайғамбар Алайҳиссаломнинг биринчи рафиқаси Ҳадича разийаллоҳу анҳуга юксак баҳо бериб, шундай ёзади: "Пайғамбарга илк ваҳийлар кела бошлаганда уни юпатган, далда бериб қўнглини. кўтарган, Хирот тоғининг ғорида ибодат билан машғул бўлган чоғларида содир бўлган воқеанинг шайтон эмас, Раҳмоннинг хоҳиши ила юз берганига ишонтира олган биринчи Зот эмасмиди? Шунинг учун ҳам Ҳадича разийаллоҳу анҳу "Бутун мусулмонлар онаси" ва "барча аёллар аълоси" (Хайруннисо) деган шарафли номга тўла ҳуқуқ ила сазовор бўлган. Ҳозирги кунда ҳам кўпгина мусулмон ва муслималар ул зоти олиянинг илк ислом тарихида ҳал этувчи ўрин тутганлигига алоҳида урғу

берадилар". Бу ерда буюк тарихий шахсларнинг буюк шахс сифатида шаклланишида аёлнинг роли ва ўрнига олима катта баҳо беради. Шундай мисолни Ўзбекистон халқи тарихида ўчмас из қолдирган бир қатор аёлларнинг номларини келтирадиган бўлсак, ўзининг жасорати ва матонати, ақл-заковати, меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, фазилати, буюк фарзандлар тарбиясида ўз меҳри билан абадий ном қолдирган Темурий маликалари-Бибихоним, Гавҳаршод бегим, Хонзода бегим, Гулбадан бегим, Зебунисо бегим ва бошқалар етишиб чиқдики, уларнинг номлари тарихда абадий ёзилиб қолди. Уларни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам алоҳида ўрни бўлганлигини инкор эта олмаймиз. Яна бир мисол Темурий маликаларидан-Амир Темурнинг суюкли ва оқила рафиқаси Сарой Мулкхоним (1341-1408) тарихий манбаларда маълум бўлишича, ақл-заковатли, дид-фаросатли, фикрлаш доираси кенг, юксак иродали, маънавиятга бой, тadbиркор аёл бўлганлигини кўрамиз. Шу билан бирга у адолатпарвар, Ватан, халқини севувчи, салтанатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини яхши билган ва тушунган, ўзининг доно маслаҳатларини ҳамиша халқ учун, Ватан учун аямаган оқила аёл бўлган. Илм-фанни кўп қадрлаб, толиби илмларга ҳомийлик қилган, халқ маданиятини, маънавиятини ривожлантириш мақсадида мадраса қурдирган. У

кўпинча Амир Темурнинг ҳарбий юришларида бирга қатнашган ва мураккаб шароитларда соҳибқиронга маслаҳатчи Сарой Мулкхоним ўзининг ақл-заковати билан нафақат Ҳазрат Соҳибқироннинг, балки, эл-юрт меҳрини қозонган. Шунинг учун буюк соҳибқирон ўз ўғли Шохруҳ Мирзо ва набиралари Муҳаммад Султои, Халил Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқа набираларини Сарой Мулкхонимнинг тарбиясига топширган. Бундан кўриниб турибдики, аёллар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг фаол иштирокчилари бўлишлари билан бирга тарбия соҳасида ўта муҳим роль ўйнайдилар. Буюк тарихий шахсларнинг етишиб чиқишида аёлнинг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Аёлларга кўрсатилган ғамхўрлик, уларни фаолликка даъват этиш, кўмаклашиш, фаолликларини ошириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит яратиш бу хотин-қизларни яратувчилик фаолиятини эътироф этишда, давлат ва жамиятнинг буюк келажагини таъминлаш учун омил яратишдир ҳамда маънавий меросимиздан амалда унумли фойдаланишдир. Чунки аёлларни эъзозлаш, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш кўҳна Шарққа хос бўлган одат, маънавий меросдир. Шунинг учун ҳам бобокалонимиз Амир Темур: "Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим", - деб ёзган эди,

Боболарнинг маънавий меросига суянган Ўзбекистон раҳбарияти, шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жамиятда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Булар жумласига, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президент фармони билан "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг ташкил этилиши, ҳукуматимиз томонидан соғлом авлод тарбияси хусусида қабул қилинган қарорлар, ҳамда аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнини оширишга қаратилган тадбирлардир. 1999 йилнинг мамлакатимизда "Аёллар йили" деб эълон қилиниши, ЎзРеспубликаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармони, ҳамда шу йил 21 июнь куни шу мавзуда ўтказилган Оқсаройдаги мамлакатимиз фаол хотин-қизлари билан учрашув, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу муаммога тегишли бўлган бир қатор қарорлари ана шу улкан ишларнинг амалий мантиқий давомидир.

Аёлларга эътибор билан қараш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини давлат даражасига кўтариш, ҳимоя қилиш 1999 йилнинг "Аёллар йили", 2000 йилнинг

эса "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши аёлларимизга, уларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилишга, моддий-маънавий

манфаатдорликларини таъминлашга эътиборни кучайтирди. Яъни аёл умри, соғлиги, орзуси, яратувчанлигини таъминлаш, ҳамда Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминловчи асосий омил сифатида қаралмокда. Бундай ҳаракатлар ҳар қандай давлатда юз бериши мумкин бўлган ҳолат деб қарасак, аёлларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва маърифий фаолликларини оширишга қаратилган чора тадбирлар эса камдан-кам давлатларда учрайдиган ҳолатдир. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган яна бир қатор чора-тадбирлар кўрилиши, Президент фармонларининг чиқарилиши алоҳида эътиборга молик ҳолат бўлиб, бунинг мазмун ва моҳияти ҳамда давлат ва халқаро миқёсдаги аҳамиятини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, тушунтириш ишларини олиб бориш масалалари ҳам муҳимдир. Ушбу мақоламизда қайсидир даражада мазкур масалага ўз муносабатимизни билдиришга уриниб кўришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш борасида муҳим ўзгаришлар ясади. Шунинг учун ҳам аёллар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда ўзларининг интеллектуал ҳамда жисмоний қобилиятларини тўлиқ намоён этиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама беназир ҳиссаларини кўшмоқдалар.

Ўзбекистон тараққиётининг бош сиёсий-ҳуқуқий йўли ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдан, иқтисодий соҳа эса ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини яратишдан иборатдир. Бундай мукамал ҳамда ўзининг тақомилига етган жамиятни қуриш йўлида халқимиз турли бўҳронларни енгаб ўтишга қодир бўлган авлодни, комил инсонни тарбиялаш лозим. Комил инсон тарбияси сермашаққатли, ўта мураккаб жараёндир. Комил инсон тарбияси сўзини фақат балоғат ёшига

етмаган болаларга ёки ёшларга нисбатан эмас, яхлит жамият аъзоларига нисбатан ишлатадиган бўлсак, фуқаролик жамиятини қуриш учун омманинг дунёқарашига, руҳиятига иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий таъсир кўрсатиш орқали умуминсоний ва миллий демократик қадриятлар руҳида тарбиялаш кўзда тутилади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Республикамиз аҳолисининг сонини жинсий маънода фойизга ажратсак, мамлакатимиз аҳолисининг 54% ини аёллар ташкил этади. Бу кўрсаткич эркакларга нисбатан аксарият кўпчилиқни ташкил этади. Шундай экан аёллар фуқаролик жамиятини, аниқроғи ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳар томонлама ривожланиб, такомиллашиб бориши учун комил инсонни тарбиялашда катта роль ўйнайдилар деб айтиш учун тўла асосга эгамиз. Чунки аёллар жамиятнинг яхлит тарбиясига жавоб беришга қодир бўлган кучга эгадирлар.

Ўзбекистон аёллари асосан давлат тизими (ишлаб чиқариш, фан, санъат, халқ таълими)да ишламоқда. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг 42% ини аёллар ташкил қилади, улар асосан медицина, педагогика, бухгалтерия, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишламоқда. "аввалги йилда аёллар халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 46% ини, жумладан, саноатда - 52%, савдода - 37%, соғлиқни сақлашда 73%, қишлоқ хўжалигида - 48%, алоқада - 43%, қурилишда - 12%, таълим тизимида - 60%, маданиятда - 55%, фанда - 47%, бошқарув соҳасида - 31% ни ташкил қилди. Ўзбекистонда аёллар узлуксиз касбий тайёргарлиги, уларнинг малакасини ошириш учун шарт-шароитлар яратилган. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат тизимида 23 та институт, 16 та факультет, 4 та марказ, 14 та курслар фаолият юритмоқда. Шунингдек мамлакатимиз аёлларининг 10 мингдан зиёди академик, фан докторлари ва фан номзодларидир. Етти нафар аёллар мамлакатимиз фаҳри ва ифтихори ҳисобланади, улар Ўзбекистон Қаҳрамонидир. Кейинги пайтда аёлларнинг бизнесда ҳам фаоллиги ошиб бормоқда, жумладан, бугунги кунда пойтахтимизда 4300 дан зиёд аёл тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Ўтган даврга нисбатан ҳудудий

ички маҳсулот ҳажмида тадбиркор аёлларнинг улуши 1,4 фоизга ошгани ҳам фикримиз далилидир.

Умуман оладиган бўлсак, аёл табиатан серҳаракат, мулоҳазали, тежамкор ҳамда режали тадбиркор, сабр тоқатли шахсдир. Аёлнинг ўз оиласи, яқинлари, фарзандлари ва атрофидагилар билан муносабатида намоён бўладиган бу фазилатларни жамиятда юзага чиқариш учун унинг фаол фуқаро, курашчан шахс даражасига кўтарилиши учун Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий замин ҳамда шарт-шароитлар мустақиллик муносабати билан тўлиқ яратилди. Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов томонидан 1995 йил 2 мартда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш тадбир-чоралари тўғрисида"ги фармонида хотин-қизларни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий масалаларни ечиш ишларига кенгроқ жалб қилиш, давлат ва жамият бошқарувида кенг иштирокини таъминлаш, оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, мазкур соҳаларда турли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари вазифасининг ташкил этилганлиги уқтирилади. Республика ҳокимликларининг барча тизимларида ҳоким ўринбосарларининг вазифасига ҳам хотин-қизлар тайинланадиган бўлди.

Бу фармон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллашувига қайсидир даражада хизмат кўрсатди. Аслида хотин-қизлар ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни уюштириш, турли соҳалардаги фаолиятини мунтазам равишда ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошиб боришини таъминлаб бериши зарур эди. Шу билан бирга хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш, ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг турли шакллари ривожлантириш соҳасига етакчилик қилишлари зарур эди. Лекин хотин-қизлар кўмитаси кейинги йилларда бюрократик давлат аппаратига айланиб қолиб, давр талабига жавоб бермай қўйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон хотин-

қизларининг Республика конфсренцияси иштирокчиларига йўллаган табрик хатида: "Айни вақтда республикамиздага хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиб, ҳолисона баҳо берар эканмиз, улар аёллар манфаатининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айланиши учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам яхши англаймиз" - деб таъкидлайди.

Шунинг учун ҳам хотин-қизлар фаоллигини давр талабига кўтариш мақсадида 2004 йилнинг 25 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 21 июнь куни Оқсаройда Президент ва хотин-қизлар фаоллари билан бўлган учрашувда хотин-қизлар кўмиталари орқали хотин-қизлар фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилар экан, фуқаролик жамияти, ўзини-ўзи бошқариш органларида аёллар фаоллигини ошириш зарурлиги кўрсатилиб ўтилди.

Мазкур учрашувда Президент И.А.Каримов кўтарган масалалар ичида муҳимларидан бири бу қишлоқда яшаётган аёллар масаласидир. Бу масалага алоҳида диққат- эътибор қаратиб, Президентимиз буни алоҳида таъкидлаб, "Айни пайтда хотин-қизлар, аввало, қишлоқда яшаётган опа-сингилларимиз орасида бизнинг эътиборимиздан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган аёллар борлигини ҳам таассуф билан тан олишимиз керак" ³-деб таъкидлади Юртбошимиз.

Дарҳақиқат "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг илмий ва амалий муаммолари" мавзуида илмий-тадқиқот олиб бораётган гуруҳ томонидан Жиззах вилояти Бахмал туманида ўтказилган социологик сўровда қуйидаги савол билан респондент аёлларга мурожаат қилинди. "Ўзини-ўзи бошқариш органида хотин-қизларнинг ўрни борми?" деб берилган саволга 90% респондентлар "йўқ" деб жавоб бердилар. Жиззах шаҳрида ўтказилган сўровда эса 70% респондент аёллар йўқ, 20% респондент аёллар бор, 10% респондентлар билмайман деган жавоб бердилар. Ижтимоий-тадқиқот

хулосасига кўра айтиш мумкинки, хотин-қизларнинг роли ўзини-ўзи бошқариш органларида жуда паст десак бўлади. Демакки, аҳолининг 54 фоизини хотин-қизлар ташкил этар экан, ўзини-ўзи бошқариш органларида енгилроқ қилиб айтганда 54% аҳоли яхши иштирок этмайди ёки улар учун ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолияти қандай бўлишининг қизиғи ҳам йўқ. Шундай экан аҳолининг тенг ярмидан кўпроғи маҳаллий органларни такомиллаштиришда иштирок этмас экан, албатта, илгарига силжиш бўлмайди ва бир жойда депсиниб қолиб кетиш мумкин. Шунинг учун ўзини-ўзи бошқариш органларида аёллар ўз ўрнини тўла эгаллаб олишлари учун уларга туртки берадиган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турувчи хотин-қизлар ташкилотининг юқори тизимлари фаолиятини яхшилаш керак. Президентимиз таъкидлаганидек, иш усуллари демократик тамойилларига ва давр талабига жавоб бермаслигидир. Хотин-қизлар қўмитаси Республика миқёсида пастдан-юқоригача ёки юқоридан-пастгача сушт ишлаганликларининг, сушт ташаббус ва фаолият кўрсатганликларининг маълум объектив сабаби мавжуд бўлиб, бу объектив сабаблар узок тарихий тараққиёт жараёнлари билан боғлиқдир.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини хотин-қизлар билан ишлаш қўмиталарисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Президентимиз И.А.Каримов ҳақли равишда "Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини-бу маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилишлари керак"-деб таъкидлади. Бу уйғунликни вужудга келтиришнинг муҳим қирралари тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб, Президент оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотининг ролини ошириш зарурлигини кўрсатиб берди.

Ёш авлодни тарбиялашда, уларнинг жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб улғайишида аёлларимизнинг роли бениҳоят каттадир. "Миллат келажаги-оналар қўлида" экан, аёллар учун ижтимоий-сиёсий фаолият билан, бола тарбиясини ва оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни уйғунлаштириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ўзини-ўзи бошқариш органларида хотин-қизларнинг ролини ошириш, балки ўзини-ўзи бошқариш органларининг

раисларини ҳам кўпроқ ташаббускор, тадбиркор аёллардан сайлаш ҳам фойдадан холи бўлмайди. 2014 йилнинг статистик маълумотларига кўра мамлакатимизда 6289 та маҳалла фуқаролари йиғини, 108 та шаҳарча, 1320 та қишлоқ ва 131 та овул, фуқаролар йиғини, улар томонидан сайланган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатган бўлса, шулардан 20% дан кўпроғини ўзини-ўзи бошқариш органларининг раислари (оқсоқоллари)ни хотин-қизлар ташкил этади. Бу кўрсаткич хотин-қизлар сонига нисбатан олганда жуда кам. Бу кўрсаткични юқорироққа кўтариш учун албатта хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ўстириш зарур. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини кўрсатиб ўташ мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: "Бугунги замон, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифа-фуқаролик жамиятининг асосий бўғанлари бўлмиш маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг ишини такомиллаштириш, уларга суянган ва таянган ҳолда аёлларнинг социал ва ижтимоий фаоллигани ошириш, опсингилларимизнинг сайланадиган, вакиллик ва бошқа ҳокимият идораларидаги кенг иштирокини таъминлашда қонуний кафолатларни яратиб беришдан иборатдир". Ўзини ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар ролини оширишнинг яна бир муҳим ва долзарб томони шундаки, миллий анъаналар, қадриятлар туркумига кириб қолган турли маросимлар, ошиқча сарф-харажат талаб этадиган ҳашамларни қисқартириш масаласида бўлаётган мунозаралар, тортишувлар масаласига ҳам аёллар амалий жиҳатдан ёндашиб, замон ва давр талабига мослаш қудратига эга бўлган кучдирлар. Чунки ошиқча сарф-харажатлар асосан аёллар ташаббуси ва фаоллигида амалга оширилишини эътироф этиш лозим. Шундай экан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўзини-ўзи бошқариш органларида фаол иштирокларини таъминлаш, ўзини-ўзи назорат қилишга ҳам олиб келади. Натижада мен сендан кам эмасман кабилидаги иқтисодий чиранишлар ва зўриқишларга барҳам бериш имконияти юзага келади, деган фикрдамиз.

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизлар таълим-тарбияда, ўзини ўзи бошқариш органлари яъни, маҳаллаларда одамлар ўртасидаги муносабат-

ларнинг илиқ ва самимий бўлишида, адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришда, оила мустаҳкамлигини таъминлашда, миллий қадриятларнинг такомиллашиб, умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришида ўзларининг бекиёс катта ҳиссаларини қўшиш имкониятига эга бўлган шахсдир. Республикамизда фаолият юритаётган ижтимоий ташкилотларнинг ярмидан кўпроғи хотин-қизлар ташкилотлари ҳисобланади. Шундай экан фуқаролик жамиятини қарор топтиришда хотин-қизларнинг роли бундан кейин ҳам ошиб бораверади. Бу албатта ижобий демократик ўзгаришларга асос бўлади.

Хотин –қизларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий , маънавий, маърифий тараққиётидаги фаол иштирокини янада юксалтирмай туриб, демократик фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди.